



2015 у.г. «2» октябрь

№ 756/Қ

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

“Каттакўрғон шаҳар ҳокимининг 2013 йил 2 сентябрдаги № 579-Қ сонли қарорини бекор қилиб қайта тасдиқлаш тўғрисида”

Каттакўрғон шаҳар ҳокимининг 2013 йил 2 сентябрдаги № 579-Қ сонли қарори асосида, Улуғбек Барноев кўчаси атрофида 300 кв. метр ер майдонида савдо мажмуаси ва қўшимча хонлар қуриб атрофидаги 700 кв. метр ер майдонида ободончилик ва боғ яратишга У.Барноев кўчаси 6 уйда яшовчи фуқаро Насретдинова Гулчехрага рухсат берилганлигини, Каттакўрғон шаҳар бош режаси Республика Шаҳарсозлик Кенгашида кўриб чиқилаётганлигини, мазкур контурда музлатгич қурилиши режалаштирилаётганлигини ҳамда барча тўпланган тегишли ҳужжатларни, бу ҳақдаги комиссия далолатномасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида ташкил этилган комиссия аъзолари далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакўрғон шаҳар ҳокимининг 2013 йил 2 сентябрдаги № 579-Қ сонли қарори бекор қилинсин.
3. Каттакўрғон шаҳар У.Барноев кўчаси 6 уйда яшовчи фуқаро Насретдинова Гулчехрага тегишли бўлган 1000,0 кв.метр ер майдони шаҳар ҳокимлиги захирасига олинсин.
4. Каттакўрғон шаҳар У.Барноев кўчаси 6 уйда яшовчи фуқаро Насретдинова Гулчехрагага тегишли 1000,0 кв.метр ер майдони ўрнига, сатхи тенг микдорда, Улуғбек Барноев кўчасининг бошқа контуридан бўш турган 300 кв.метр ер майдонида савдо мажмуаси қуриш учун ва 700 кв. метр ер майдони ободончилик ишлари амалга ошириш учун рухсат берилсин.
5. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган ҳолда олиб борилишини назорат қилиш шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда Каттакўрғон шаҳар “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр” Давлат корхонаси зиммаларига юклатилсин.
6. Белгиланган тартибда солиқ ва бошқа тўловларини ундириш шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (М.Жураев) зиммасига юклатилсин.
7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

Ш.Ж.Рахмонов